



SOME ASPECTS OF VIEWS ON THE FORMATION OF THE SECURITY INTERDEPENDENCE SYSTEM OF CENTRAL ASIA

Saodat Ubaydullaeva

Researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: sadulya75@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, region, interdependence, security.

Received: 20.08.22

Accepted: 22.08.22

Published: 24.08.22

Abstract: The article examines the conditions of interdependence of political processes, environmental, border issues, and transport-logistics problems that have been taking place in Central Asia for the last 30 years. The relevance of the systematic approach to solving these problems and the fact that their study and implementation have a direct positive effect not only on the internal, but also on the foreign policy of the countries of the region, as well as the positive aspects that play in the integration of the Central Asian countries into the world community, are shown.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИГА ҚАРАШЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Саодат Убайдуллаева

тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: sadulya75@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Марказий Осиё, минтақа, ўзаро боғлиқлик, хавфсизлик.

Аннотация: Мақолада Марказий Осиёда охириги 30 йил мобайнида юз бераётган сиёсий жараёнларнинг, экологик, чегара масалалари, ҳамда транспорт-логистика муаммоларида ўзаро боғлиқликнинг шарт-шароитлари тадқиқ этилган. Бу муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашувнинг долзарблиги ва

уларни ўрганиш ва татбиқ этиш минтақа давлатларининг нафақат ички, балки ташқи сиёсатида бевосита ижобий таъсир этиши, ҳамда бу орқали Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясида ўйнайдиган ижобий томонлари курсатилган.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ВЗГЛЯДОВ НА ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ВЗАИМОЗАВИСИМОСТИ БЕЗОПАСНОСТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Саодат Убайдуллаева

Исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: sadulya75@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Центральная Азия, регион, взаимозависимость, безопасность.

Аннотация: В статье рассматриваются условия взаимозависимости политических процессов, экологических, пограничных и транспортно-логистических проблем, происходящих в Центральной Азии на протяжении последних 30 лет. Актуальность системного подхода к решению этих проблем и тот факт, что их изучение и реализация оказывают прямое положительное влияние не только на внутреннюю, но и на внешнюю политику стран региона, а также те положительные моменты, которые играют в интеграции стран Центральной Азии в мировое сообщество.

КИРИШ

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришган 1991 йилдан эътиборан минтақада минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс тизимни ташкил этиш ва шакллантириш масалалари, ҳам назарий (кўпроқ Копенгаген мактаби вакиллари, хусусан, Б. Бузан ва О. Вэвер[1] назарияси ҳамда улар томонидан ишлаб чиқилган концепцияга биноан), ҳам амалий (минтақадаги давлатларнинг геосиёсий ва геостратегик жойлашуви, минтақада йирик давлатлар манфаатларининг амалга оширилиши ва бошқалар) нуқтаи назаридан «ўзаро боғлиқлик» тамойилидан келиб чиқиб тадқиқ қилинган. «ўзаро боғлиқлик» тамойили минтақадаги давлатларнинг жўғрофий жойлашувига асосланиб, унда давлатнинг хавфсизлиги, биринчидан, кўшни мамлакатларнинг хавфсизлигига даҳл қилади, иккинчидан, у икки томонлама ҳамда кўп томонлама механизмлар доирасида кўшма чоратadbирларни амалга ошириш ҳисобидан таъминланади[2].

Экспертларнинг фикрларига кўра, Совет Иттифоқи тугатилганидан кейин иттифокда бўлган барча давлатлар орасидан энг кўп зарар кўргани Марказий Осиё давлатлари бўлди, чунки улар терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши каби ташқи хавф-хатарларга дуч келишган эди. Ўз навбатида, барча қийинчилик ва таҳдидларга қарамай, минтақадаги давлатлар мустақкам давлат бошқарувини яратишга эришдилар. Бундан ташқари, минтақа мамлакатлари ташқи таъсирга, хусусан, Ғарб, Россия ва Хитой мамлакатларининг босимига самарали қарши турулдилар. Бошқа томондан эса, минтақадаги давлатларнинг ўзлари бир-бирлари билан етарлича ҳамкорликни йўлга қўймаганликлари сабабли минтақалашиш жараёнларининг ривожини суст кечди[3].

АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг жўғрофий жойлашувига кўра у ерда яшайдиган аҳоли аксарият кўпчилигининг маънавий-маданий қадриятлари умумий бўлиб, битта динга эътиқод қилади ва турмуш тарзи ҳам бир-бирига ўхшаш. Шу билан бирга, «ўзаро боғлиқлик» турлича ва ҳар-хил йўналишларда амалга оширилмоқда. Масалан, Марказий Осиёнинг бир қисмида кўчманчи турмуш тарзи (Қозоғистон, Қирғизистоннинг шимоли, Туркменистон) устун бўлса, бошқа қисмида ўтроқ турмуш тарзи (Қирғизистоннинг жануби, Ўзбекистон, Тожикистон) устундир. Минтақанинг муайян қисми туркий маданият (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон) таъсири остида бўлса, қолган қисми эса – форсий маданият (Тожикистон) таъсири остида. Минтақанинг маълум қисмида дин муҳим роль ўйнаса (Қирғизистоннинг жануби, Ўзбекистон, Тожикистон), бошқа қисмида эса (Қозоғистон, Қирғизистоннинг шимоли, Туркменистон) дин суст ривожланган[4].

Шунингдек, «ўзаро боғлиқлик» тамойили Р. Кеохейн томонидан ишлаб чиқилган «ўзаро боғлиқлик комплекси» назариясини тўлдирмайди ва унинг таркибий қисми эмас.

Комплекс ўзаро боғлиқлик дейилганда - давлатлар ва бошқа йирик халқаро ташкилотлар ўртасида давлатлараро муносабатларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсата оладиган муносабатларнинг йўлга қўйилиши ва кенгайтирилиши тушунилади, бунда минтақавий хавфсизлик муаммолари давлатларнинг ўзаро манфаатларини назарда тутишлари ҳисобидан ҳал этиб борилади[5].

Минтақавий хавфсизлик комплекслари назарияси ўзаро боғлиқликка асосланади, унга биноан давлатларнинг хавфсизлиги уларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан бир-бирларининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин эмас[6]. Бундай ҳолатда, давлатлар хавфсизлигининг ўзаро боғлиқлиги минтақадаги давлатлар учун манфаатларнинг умумийлиги ва зиддиятлилиги каби умумий масалалар билан туташ келади.

Шу билан бирга, мазкур назарияда минтақавий хавфсизлик комплекси икки шаклга – стандарт ва жамланган шаклларга ажратилади. Стандарт комплексида хавфсизлик масалалари бўйича кун тартибини давлатларнинг ўзлари белгилайдилар. Жамланган комплексида эса, минтақавий хавфсизлик масалалари битта кучли давлат томонидан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, Б. Бузан қуйидагича хулоса чиқарадики, унга кўра 1991 йилдан кейин собиқ шўролар муҳитида минтақавий хавфсизлик комплексининг жамланган шакли битта йирик давлат атрофида вужудга келган бўлиб, бу давлат аксарият ҳолатларда давлатларнинг, шу жумладан, минтақавий субкомплексдаги давлатларнинг ҳам бўлғуси ҳаракатларининг қандай бориши ва қай йўсинда амалга оширилишини белгилаб беради[7]. Ваҳоланки, географик жиҳатдан бир ҳудудда жойлашган давлатлар ўзларининг минтақавий субкомплексларини ташкил этишган, масалан Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар иштирокида минтақавий субкомплекс ташкил этилган.

Б. Бузаннынг назариясига кўра, битта мамлакатнинг ўзи биттадан ортиқ минтақавий комплексга кириши ва унинг иштирокчиси бўлиши мумкин эмас. Шу муносабат билан, Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик комплексига тааллуқлиги масаласи юзага келади. Бу ўринда, Б. Бузан Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиёдаги хавфсизлик комплекслари ўртасида «нисбий бефарқлик» ҳудудини шакллантирувчи «изолятор-давлат», деб ҳисоблайди[8].

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик комплексининг шаклланишини ўрганишда Афғонистон минтақа давлатларининг хавфсизлигига таъсирининг сезиларли эканлиги сабабли мазкур комплекснинг иштирокчиси деб қаралади. Афғонистоннинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон билан чегараолди ҳудудларида (асосан Афғонистоннинг шимолида) кўп сонли ўзбеклар ва тожикларнинг яшаши омили ҳамда бу мамлакатдан минтақа учун умумий бўлган даъватлар ва таҳдидлар (гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, радикализм ва терроризм ғояларининг тарқалиши ва ҳоказолар) Афғонистон билан ўзаро боғлиқликнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. Шу муносабат билан, Афғонистонга Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги комплексининг бир қисми сифатида қараш, трансчегаравий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда бутун минтақанинг хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи асосий даъват ва таҳдидларни белгилаб олиш лозим.

Минтақадаги барча давлатлар томонидан кўп йўналишли ташқи сиёсат олиб борилаётганлиги ҳисобга олинган бўлса, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масаласи алоҳида эътиборни талаб қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, минтақадаги даъват ва таҳдидларни ўрганишни минтақавий хавфсизлик комплекслари назарияси нуқтаи назаридан олиб бориш

лозим, чунки бу назарияга кўра минтақавий хавфсизлик комплексига таъсир кўрсатувчи бош омиллар бузғунчи комплекслардан иборат.

Бундан ташқари, мафкуравий-ахборот соҳасини тартибга солувчи универсал халқаро хужжатнинг йўқлиги, ахборот маконида даъват ва таҳдидларнинг ҳамда террорчи гуруҳлар рақамли фаоллигининг авж олишига имкон яратмоқда.

Сўнгги вақтларда террорчи гуруҳлар Марказий Осиё мамлакатлари фуқароларини ўз сафларига ёллаш мақсадида Интернетда, аввало, ижтимоий тармоқларда ўзларининг ахборот ва тарғибот фаолиятларини кучайтиришган.

Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш суръатининг юқорилиги, синтетик гиёҳванд моддалар контрабандасининг ва янги психотроп моддалар тарқатилиши кескин авж олаётганлигининг салбий оқибатлари минтақада гиёҳвандлик билан вазиятнинг ёмонлашиб боришидан далолат беради. Гиёҳванд моддаларнинг бир қисми Афғонистондан Марказий Осиё мамлакатлари орқали (асосан Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон орқали) ўтадиган «шимолий йўналиш» бўйлаб МДХ ва ЕҲ мамлакатларига олиб чиқилади. Бу ҳолат минтақа мамлакатларида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг юқори даражада сақланиб қолишига таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда ноқонуний бозорларда Марказий Осиё мамлакатлари учун анъанавий бўлган гиёҳванд моддалар билан бирга уларнинг янги-янги турларининг пайдо бўлаётганлиги кузатилмоқда.

Минтақа мамлакатларининг давлат чегаралари ички ва ташқи хавф-хатарлардан хавфсизликни таъминлаётганлигига қарамай, бу йўналишда қатор муаммоли ҳолатлар ва ҳал этилмаган стратегик масалалар ҳануз сақланиб қолмоқда. Улар зиддиятли вазиятларнинг келиб чиқишига ҳамда янги нотинчлик ўчоқларининг пайдо бўлиши эҳтимолининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

Айни пайтда, Марказий Осиё мамлакатлари билан рўй берадиган трансчегаравий фавқулодда вазиятлар оқибатида келиб чиқадиган хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳам қатор муаммоли масалалар мавжуд. Тожикистондаги Сарез кўли асосий муаммолардан бири бўлиб, бу кўл сувининг Усой кўчкиси оқибатида вужудга келган табиий тўғонни ўпириб ўтиши хавфи бор. Тўғоннинг ўпирилиши натижасида Панж ва Амударё дарёларида сув тошқини рўй бериб, бутун минтақанинг экологик хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, бундай табиий офат Тожикистон, Ўзбекистон, Туркменистон ва Афғонистонда яшаётган 6 миллиондан зиёд аҳолининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши хавфи мавжуд.

Экспертларнинг таҳлилларига кўра, Сарез кўлининг ўпирилиши оқибатида яна минглаб гидротехника иншоотлари, кўприклар, автомобиль йўллари, электр узатиш линиялари, саноат ва фуқаро бинолари вайрон бўлади.

Шу билан бирга, радиация соҳасида Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига раҳна соладиган қатор хавф-хатарлар бор. Европа Ҳамжамиятининг (ЕХ) маълумотларига кўра, минтақада 1 миллиард тоннага яқин радиоактив чиқинди кўмилган жойлар мавжуд бўлиб, бундай чиқиндихоналарнинг аксарияти Фарғона вилоятининг аҳоли зич жойлашган ва табиий офатлар тез-тез бўлиб турадиган ҳудудларида жойлашган. 2018 йилда ЕХ томонидан уран чиқиндихоналари (Қирғизистонда – 3 та, Тожикистонда – 3 та ва Ўзбекистонда 2 та) билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун 16 млн. евро ажратилиб, Марказий Осиёдаги 7 та радиоактив чиқиндихонани рекультивация қилиш фонди ташкил этилди. ЕХ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёдаги радиоактив чиқиндихоналарни рекультивация қилиш учун қўшимча равишда 70 млн. евро маблағ ажратилиши лозим[9].

Қирғизистон билан трансчегаравий ҳудудларда (Шакаптар, Майлии-Суу) жойлашган радиоактив чиқиндихоналар ҳам катта радиацион хавф туғдиради. Мазкур чиқиндихоналардан баъзиларининг кўчкилар ёки сел натижасида ўпирилиши оқибатида Майлли-Суу дарёси сувининг ва сўнгра Андижон вилояти ҳудудининг радиоактив моддалар билан зарарланиши хавфи мавжуд.

Сирдарёнинг чап қирғоғида Дегмай радиоактив чиқиндихонаси мавжуд бўлиб, унинг химоя тўғони ўпирилса ёки ундан радиоактив чиқиндилар сизиб чиқадиган бўлса Ўзбекистоннинг Сирдарё ҳавзасида жойлашган 120 минг аҳоли яшайдиган 100 кв. км майдондаги ҳудудини зарарлаши мумкин.

Шунингдек, сўнгги вақтларда Ўрта Осиёда иқлим ўзгариши сабабли табиий офатлар хавфининг ортаётганлиги кузатилмоқдаки, экспертларнинг башоратларига кўра уларнинг оқибати минтақа мамлакатларида 2050 йилга бориб кучли сезилади. XXI асрнинг охирига қадар Марказий Осиёда ҳаво ҳароратининг Цельсий бўйича 7 градусга ортиши, Оролбўйи ҳудудида эса ҳаво ҳарорати исишининг энг кучли бўлиши кутилмоқда[10].

Таҳлилчиларнинг баҳоларига кўра, бу ҳолат, энг аввало, минтақадаги дарёларни сув билан таъминлайдиган Марказий Осиё тоғларидаги музликларнинг эриши билан хавф туғдиради. Ҳисоб-китоблар бўйича, ҳарорат 2 градус кўтарилганда музликлар 50 фоизгача, 4 градус кўтарилганда – 78 фоизгача ҳажмини йўқотиши мумкин, бундай ҳолат чучук сувнинг камайиб кетишига ва табиий офатларнинг ортиб кетишига олиб келиши мумкин[11].

Сўнгги 15 йил ичида минтақада сув таъминоти ҳажмининг камайиши сабабли аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдони 24%га (0,23 га.дан 0,16 га.гача) қисқарди. Кейинги 30 йил мобайнида эса суғориладиган ер майдонлари 20 – 25% қисқариши мумкин. Жаҳон банкининг маълумотига кўра, Марказий Осиёда сув

хўжалигидан самарасиз фойдаланилиши натижасида йиллик иқтисодий зарар 2 млрд. доллардан ортиқ маблағни ташкил этади[12].

2021 йилнинг августида Афғонистонда ҳокимият тепасига “Толибон” ҳаракатининг келиши бу мамлакатда нафақат сиёсий, балки иқтисодий соҳада ҳам янги-янги хавф-хатарларни вужудга келтиради. Хусусан, Афғонистонга жиддий иқтисодий танглик, даромадларнинг камайиб кетиши ва янги ҳукуматнинг аҳолининг энг оддий эҳтиёжларини ҳам қондиришнинг уддасидан чиқа олмаслиги каби салбий ҳолатлар хавф солмоқда. Масалан, Афғонистоннинг хориждаги 9,4 млрд долларга тенг валюта захиралари музлатиб қўйилган. Жаҳон валюта банкининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун мўлжалланган 400 млн долларлик заёми ҳам музлатилган, Евроиттифоқнинг Афғонистон ҳукуматига ёрдам тариқасида 1,4 млрд доллар миқдориди маблағ ажратиш режаси тўхтатиб қўйилган. 2021 йилда Афғонистоннинг 12 млн аҳоли яшайдиган ҳудудда қурғоқчилик рўй бердики, бу ҳолат мазкур мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Бунинг устига афғонларнинг 72 фоизи камбағаллик чегарасидан ташқарида яшайди, 60 фоизи эса электрдан фойдаланиш имкониятига эмас[13].

Таъкидлаш керакки, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий хавфсизлик муаммолари фақат икки томонлама муносабатлар ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик доираларидагина ҳал этилмайди[14].

Экспертларнинг фикрига кўра, минтақавий зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги[15] ҳамда минтақа халқлари ва давлатларини бирлаштира оладиган ягона ғоянинг ишлаб чиқилмаганлиги каби омиллар минтақавий хавфсизлик тизимининг тўлиқ шакллантирилмаганлигига асосий сабаб бўлмоқда. Қуйидаги омиллар: 1) тилларнинг умумийлиги; 2) диннинг битталиги; 3) жўғрофий муҳитнинг ягоналиги ҳам яқинлашиш учун хизмат қилолмади. Бунинг устига, тарихий фактларнинг ўз миллати ва халқи фойдасига бузиб кўрсатилиши каби ҳолатлар ҳам минтақа мамлакатлари аҳолиси учун бирлаштирувчи тенгликнинг шакллантирилишига салбий таъсир кўрсатмоқда .

Марказий Осиё мамлакатлари (Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон) ўртасида чегараларни делимитация қилиш масалалари ва ҳудудий низолар бўйича мунозараларда мавжуд турли вақтларда қабул қилинган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга муносабатнинг бир биридан фарқ қилиши зиддиятли бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида терроризм, радикализм ва наркотрафикка қарши кураш доирасидаги ҳамкорлик ё икки томонлама асосда, ёки МДҲ ва ШҲТ доирасида олиб борилмоқда. Бироқ, минтақада фавқулодда вазиятлар, иқлим ўзгариши, санитария-эпидемиологик ҳолатни мониторинг қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш учун зарур ягона Марказий Осиё хавфсизлик майдони йўқ, ваҳоланки, бундай

майдоннинг бўлиши минтақани барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар ва трансминтақавий лойиҳалар (ЕҲ -МО, АҚШ - МО, Ҳиндистон - МО, Корея Республикаси - МО, Япония - МО) доирасидаги ҳамкорликнинг ҳам даражаси паст. Амалда, мазкур форматлар доирасидаги лойиҳаларнинг барчаси минтақадан ташқаридаги қудратли давлатларнинг минтақадаги геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларига мос келади. Марказий Осиё мамлакатларида долзарб минтақавий масалалар бўйича ягона нуқтаи назар ва ёндашувнинг йўқлиги лойиҳаларнинг ташқи кучлар томонидан амалга оширилишига сабаб бўлиб, бундай ҳолат минтақа давлатларининг манфаатларига ҳар доим ҳам жавоб беролмайди.

Экспертларнинг фикрича, Марказий Осиё хавфсизлиги комплекси қуйидаги бир қатор йўналишлардан ташкил топган: биринчиси - Афғонистон билан боғлиқ бўлиб, бу мамлакат Марказий Осиё хавфсизлиги учун хавф-хатар ва таҳдидлар манбаи ҳисобланади. Иккинчиси – минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасида хорижий давлатларнинг (Россия, Хитой) иштирок этиши. Учинчиси – минтақада Ғарб давлатларининг (АҚШ ва ЕҲ мамлакатлари) фаоллашганлиги билан боғлиқ. АҚШ Марказий Осиёни бирон бир кучли давлат томонидан назорат қилинишидан манфаатдор эмас. ЕҲ Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни демократик ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислохотларни давом этдиришда ва экологик муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш орқали таъминлашдан манфаатдор[16].

Б. Бузаннинг фикрига мувофиқ, давлатларнинг хатти-ҳаракатлари ва минтақанинг йирик давлатлар томонидан қандай қабул қилиниши хавфсизлик комплекси тизимини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди[17]. Унингча, минтақавий хавфсизлик нуқтаи назаридан қарашларни таҳлил қилиш учун ички ва ташқи омилларни ўрганиб чиқиш лозим[18]. Марказий Осиёда, йирик давлатларнинг ҳаракатларини тушуниш учун таъкидлаш керакки, Россия анъанавий тарзда доимо дўст давлат сифатида, Хитой иқтисодий жиҳатдан кучли давлат сифатида, АҚШ минтақавий хавфсизликни таъминлашда иштирок этувчи қудратли куч сифатида қаралган. Бироқ, йирик давлатларнинг Марказий Осиёдаги ҳаракатлари (чет эл ҳарбий объектларини куриш, интеграцион лойиҳалар ва трансминтақавий ташаббуслар) ҳар доим ҳам минтақа давлатлари учун барқарорлик бўлишига етарли таъсир кўрсатмади.

ХУЛОСА

Минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимини шакллантиришнинг тугалланмаётганлиги сабабларидан бири - минтақавий аҳамиятга молик зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги бўлса, иккинчиси - афғон омилдир, чунки

Афғонистонда ҳокимиятнинг Толибон ҳаракати тарафдорларининг қўлига ўтиши минтақа давлатлари ўртасида хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги масаласини янада кескин қўймоқда. Шу муносабат билан, хавфсизлик соҳасида минтақавий ҳамкорликни кучайтириш бўйича ҳаракатларни бирлаштириш лозимлиги янада долзарб бўлиб бормоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Лукин А. Л. Теория комплексов региональной безопасности и Восточная Азия. <https://cyberleninka.ru/article/n/teoriya-kompleksov-regionalnoy-bezopasnosti-i-vostochnaya-aziya>
2. Buzan B., Wæver O., Jaap H. de Wilde. Security: A New Framework for Analysis. L. [a. o.] : Lynne Rienner Publishers Inc, 1998. –P.12.
3. «Центральная Азия: 30лет Независимости». Специальный Доклад. 13.12.2021 г. https://expert.ru/get_issue_pdf/4611/
4. Ф.Сюэсун. Взаимодействие России и Китая в сфере региональной безопасности в Центральной Азии: механизмы и стратегии. Дисс. на соискание ученой степени кандидата политических наук. Москва, 2018.
5. Nye J., Keohane R. Power and Interdependence: World Politics in Transition. Boston, 1977.
6. Buzan Barry. People, States and Fear. An Agenda for International Security Studies in the Post-Cold War Era. SecondEdition. Colorado: L.RiennerPublishersBoulder, 1991.
7. Ўша ерда.
8. Buzan B. and Wæver O. Regions and Powers. The Structure of International Security./ Cambridge University Press. 2003.588p. –P. 110
9. Евродепутат: для рекультивации хвостохранилищ в ЦА нужно 70 миллионов евро. <https://tj.sputniknews.ru/20180517/rekultivaciya-hranilishch-yadernyh-othodov-centralnoy-azii-1025596707.html>
10. Климат и безопасность в Центральной Азии: Ситуация, последствия, рекомендации. 20.02.2019 г. <https://www.caa-network.org/archives/15280>
11. Новые угрозы для ЦА: Изменение климата повлечет серьезные проблемы. 29.01.2018 г. <https://asiaplustj.info/news/tajikistan/security/20180129/novie-ugrozi-dlya-tsa-izmenenie-klimata-povlechet-sereznie-problemi>
12. По-старому не получится: Совершенствование водопользования в Центральной Азии. 28.07.2019 г. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/feature/2019/06/28/no-more-business-as-usual-improving-water-usage-in-central-asia>

13. А.Кузнецов.О возможных источниках финансирования Афганистанапри правлении движения «Талибан». <http://www.iimes.ru/?p=80634>
14. В.Махмуд. Интересы России и Запада в Центральной Азии и Кавказе и роль многосторонних структур. Департамент по исследованиям внешней политики / Евразийский отдел. - Тегеран, 2009. - С.2-3.
15. А.Рой и Л.Джонсон. Безопасность в Центральной Азии: Новый международный формат. Исследовательский центр Министерства Иностранных дел Ирана. -Тегеран, 2003.- С.15 -16.
16. Р.Бурнашев. О возможности системы региональной безопасности в Центральной Азии. https://ca-c.org.ru/journal/2001/journal_rus/cac-01/02.brnashr.shtml
17. Buzan B., Waever O. Regions and Powers: The Structure of International Security. Cambridge University Press, 2003. P. 40
18. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.
19. Buzan B., Waever O. Regions and Powers: The Structure of International Security. Cambridge University Press, 2003. P. 47